

Олди - сотди шартномаси № 8

Жиззах шаҳри

“21” 01 2022 йил.

Жиззах давлат ўрмон хўжалиги (кейинги ўринларда-“Сотувчи”) Низоми асосида иш олиб боровчи номидан директори А.Холматов орқали бир томондан ва Зарбдор туман ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Сотиб олувчи”) Низоми асосида иш олиб боровчи номидан директор Б.Хасанов орқали иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 “Сотувчи” ўзига тегишли махсулотни келишилган баҳода “Сотиб олувчи”га сотади ва “Сотиб олувчи” махсулот хақи тўлангандан кейин олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2.Махсулотлар тўғрисида маълумот:

Т/Р	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Сурия атиргул кўчати	дона	490	25000	12250000
	Эман кўчати	дона	50	20000	1000000
	Япон сафораси кўчати	дона	580	35000	20300000
	Каталпа кўчати	дона	105	35000	3675000
	Ипак акация кўчати	дона	580	35000	20300000
	Слива писарда кўчати	дона	150	35000	5250000
	Сада қайрағоч кўчати	дона	20	50000	1000000
	Жами	х	1975		63 775 000

2. Шартнома нархи (қиймати)

2.1.Шартноманинг умумий баҳоси 63 775 000 (олтмиш уч миллион етти юз етмиш беш минг) сўмни ташкил қилади.

3.Тўлов шартлари

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати:

4.1. “Сотиб олувчи” томонидан олинаётган хар бир махсулот учун олдиндан 30 % тўловни амалга оширади. Қолган 70 %и махсулотни олгандан бошлаб 3 кун ичида тўлаш мажбуриятини уз зимасига олади.

4.2. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

5. Тарафлар мажбуриятлари:

5.1. Сотувчининг мажбурияти

5.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га махсулотларни бериш;

5.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган махсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

5.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбурияти:

5.2.1. Махсулотни олиб ҳисоб варақ-фактура тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни ўзи олиб кетади.

5.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини огохлантириш.

5.2.3. Махсулот баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

6. Тарафлар жавобгарлиги:

6.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.